

«АЛ-ФАВОИДУ-З-ЗИЁИЙА» ВА «КОФИЯ» АСАРЛАРИДА
«КАЛОМ» ТУШУНЧАСИ

Jo'rayeva M.A.

Alfraganus university

Sharq filologiyasi kafedrası PhD,

madinaabdujalilovna86@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мумтоз араб тилишунослари Абдурахмон Жомий ва Ибн Ҳожибнинг «Калом» атамаси ҳақидаги илмий фикрлари баён этилган. Алломаларнинг «الكلام» тушунчаси иккита сўзни ўз ичига олган бирикма эканлиги таърифланади. Икки олимнинг «Калом» хусусиятларини таърифлашдаги ўхшаш ва фарқли фикрлари қиёсланган ва илмий хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар: калом, сўз, гап, грамматика, Жомий, Кофия, Ибн Ҳожиб, исм, феъл, араб тили, маъно, жумла, Замахшарий.

Аннотация. В данной статье изложены научные взгляды лингвистов-классиков арабского языка Абдуррахмана Джамии и Ибн Хаджиба о термине «Калам». Понятие «алклам» Аллама определяется как сложное слово, содержащее два слова. Сопоставляются сходные и разные мнения двух учёных при описании характеристик «Слова» и излагаются научные выводы.

Ключевые слова: слово, слово, предложение, грамматика, Джамии, Кофия, Ибн Хаджиб, существительное, глагол, арабский язык, значение, предложение, Замахшари.

Abstract. This article describes the scientific opinions of classical Arabic linguists Abdurrahman Jami and Ibn Hajib about the term "Kalam". The concept of "alklam" of the Allamas is defined as a compound containing two words. The similar and different opinions of two scientists in describing the characteristics of the "Word" are compared and scientific conclusions are stated.

Keywords: word, word, sentence, grammar, Jami, Kofiya, Ibn Hajib, noun, verb, Arabic, meaning, sentence, Zamahshari.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарида Жомий Ибн Ҳожибнинг араб тилидаги гап категорияси ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтириб, шарҳлайди:

بِالْإِسْنَادِ وَلَا يَتَأْتِي ذَلِكَ إِلَّا فِي اسْمَيْنِ أَوْ فِي اسْمٍ وَفِعْلٍ. الْإِسْمُ مَا دَلَّ عَلَى مَعْنَى فِي الْكَلَامِ مَا تَضَمَّنَ كَلِمَتَيْنِ
نَفْسِهِ غَيْرِ مُفْتَرِنِ بِأَحَدِ الْأَرْزِمَةِ الثَّلَاثَةِ.²⁹

- «Калом – яъни гап иккита сўзни ўз ичига олган бўлади. Ўша икки сўздан биттаси кесим бўлади. Ушбу икки сўзнинг ҳар иккиси ё исм бўлиши мумкин, ёки исм ва феълдан иборат бўлиши мумкин. Исм шундай сўзки, ўзида бир маънони

²⁹ ابن الحاجب. كتاب صحاف ملا عبد القادر خوقندي. ص 2

англатади. Шунингдек, учта замоннинг (яъни ўтган, ҳозирги, келаси замоннинг) бирортасини ҳам ўз ичига олмайди». Абдурахмон Жомий:

الكلام – الكلام فى اللغة ما يتكلم به قليلا كان او كثيرا و فى اصطلاح النحاة ما تضمن كلمتين حقيقتا او حكما
³⁰ بالإسناد. «Калом сўзининг луғавий маъноси оз ёки кўп бўлсин, ундан қатъи назар сўзланган, тўлиқ маънони билдирган сўзлар йиғиндисиدير. Наҳвчилар истилоҳида эса ҳақиқий ёки ҳукмий маънони англатадиган иккита сўздан иборат бўлиб, у кимга қараб гапирилган бўлса, уни эшитувчи ундан бирор тўлиқ маънони англайди» деб таъриф беради. Жомий яна айтадики:

كلام صاحب المَفْصَلِ حَيْثُ قَالَ: الكلام هو المُركَّب من كلمتين أسندت إحداهما الى الأخرى³¹

- «Ал-Муфассал» (китоб)нинг соҳиби «калом» ҳақида шундай дейди: «Калом – у бири-иккинчисига эга-кесимлик муносабатига кўра боғланган гапдир».

Абдурахмон Жомийнинг таъкидлашича: «Машхур тилшунос Маҳмуд Замахшарий ўзининг «Ал-Муфассал фи-н-наҳв» асарида ва Ибн Ҳишом ўзининг «Лубоб» китобида «الكلام و الجملة», яъни калом ва жумла иккиси битта нарса деган фикрда бўлишган. Жомий шу ерда яна бир муҳим маълумотни келтириб ўтади, олим айтадики: *إِعْلَمَنَّ أَنَّ صَاحِبَ الْمَفْصَلِ وَ صَاحِبَ اللَّبَابِ ذَهَبَا إِلَى تَرَادُفِ الْكَلَامِ وَ الْجُمْلَةِ وَ كَلَامِ الْمُصَنِّفِ أَي ابْنِ الْحَاجِبِ أَيْضًا يُنْظَرُ إِلَى ذَلِكَ فَإِنَّهُ قَدْ أَكْتَفَى فِي تَعْرِيفِ الْكَلَامِ بِذِكْرِ الْإِسْنَادِ مُطْلَقًا وَ لَمْ يَقَيِّدْ بِكُونِهِ مَقْصُودًا لِذَاتِهِ وَ مِنْ جَعَلَهُ أَحْصَى مِنَ الْجُمْلَةِ قَيْدَهُ بِهِ فَحِينَئِذٍ يَصْدُقُ الْجُمْلَةُ عَلَى الْجَمْلِ الْخَبَرِيَّةِ الْوَاقِعَةِ أَخْبَارًا أَوْ أَوْصَافًا بِخِلَافِ الْكَلَامِ وَ فِي بَعْضِ الْحَوَاشِي: إِنَّ الْمُرَادَ بِالْإِسْنَادِ هُوَ الْإِسْنَادُ الْمَقْصُودُ لِذَاتِهِ وَ حِينَئِذٍ يَكُونُ الْكَلَامُ عِنْدَ الْمُصَنِّفِ أَيْضًا أَحْصَى مِنَ الْجُمْلَةِ.³²*

- «Бир қарашда Ибн Ҳожиб «Муфассал» ва «Лубоб» муаллифларининг «калом»га берган таърифларига қўшилгандек бўлиб кўрилади. Аслида ундай эмас. Чунки, Ибн Ҳожибнинг фикрига кўра *كلام* - «калом»нинг таърифи жумланинг таърифидан фарқлидир». Абдурахмон Жомийнинг фикрига кўра, «Муфассал» ва «Лубоб» муаллифлари «калом» ва «жумла»ни битта нарса дейишлари хатодир. Ибн Ҳожиб аслида бу фикрни ёқламаган. «Кофия»да Ибн Ҳожибнинг

بالاسناد الكلام ما تضمن كلمتين

- «Калом у бири иккинчисига кесим билан боғланган(гап)дир», - деган таърифидаги *اسناد* (кесим) сўзини тилга олганлиги учун баъзилар «Муфассал» ва «Лубоб» муаллифларининг фикрини Ибн Ҳожиб тўлиқ қабул қилган деб ўйлашади, лекин ундай эмас, чунки баъзи шарҳларда, масалан, «Шарху-л-ҳинди»да айтилишича, Ибн Ҳожиб бу ердаги *اسناد* сўзи билан «жумла»дан фарқли ўларок «калом»нинг ўзигагина хос бўлган маъно боғлиқлигини назарда тутган ва калом ўзига хос жиҳати билан жумладан фарқ қилади».

Жомий Ибн Ҳожибнинг «الكلام» га берган таърифини таъкидлаб, *المُهْمَلَاتُ، المفردات* маъноси: якка ёки бирликдаги сўзлар) *المركبات الكلامية* (маъноси: бир неча сўздан ташкил топган жумла)³³ туридаги барча сўзларни «الكلام» ичига киритади.

³⁰ (FZ.10a)

³¹ (FZ.12b)

³² (FZ.12b)

³³ (FZ.12b)

Наҳв китобларда «المهملة» термини: «(اسم مفعول) من الكلام: جَلَّافُ الْمُسْتَعْمَلِ» яъни «истеъмолга хилоф ёки истеъмолдан ташқари сўзлар» -дея изоҳланади. مهملة- сўзи «ишлатилмай ётган, эски» шунингдек, IV бобда أَهْمَلُ «эътибордан четда қолмоқ, сурилиб қолмоқ»³⁴ маъноларида ҳам келади. Бундан ташқари, ушбу сўзнинг «қиймати йўқ, аҳамиятсиз, назарга илинмайдиган, эътибор қилинмайдиган»³⁵ деган маънолари ҳам мавжуддир. Демак, бу фикрлардан «المهملة» деганда талаффузда ва ёзувда ифода этилмайдиган, аммо тақдиран мавжуд бўлиб, ассимиляцияга учраган сўзлар, масалан: [min+mā] ما+من=[mimmā] مما, [an+lā] لا+أن = [allā] أَلَا, [an+mā] ما+عن = [amma] عم шунингдек, ёзувда мавжуд бўлиб, талаффуз этилмайдиган сўзлар, масалан: الله [alā Allohi] «Аллоҳ» деганда, ل [lam] ҳарфидан сўнг келаётган ا [alif maqsura] ва الله [Alloh] сўзидаги alif нинг ассимиляцияга учраши, ёки الى البيت [ilā-l-bayti], فى البيت [fi-l-bayti] бирикмаларидаги ассимиляция ҳолатлари, خَيْرًا يَرَهُ [ħoyro-yaro] бирикмасидаги tanvīn fathани يره [yaro] сўзидаги «-у-ي» ҳарфини ичига киргизиб, димоғ билан талаффуз қилиш (яъни идғом - ассимиляция) каби ҳолатларга нисбатан ишлатилиши маълум бўлади.

Шунингдек, Жомий المركبات غير الكلمية (маъноси: жумла бўлмаган бир неча сўздан ташкил топган бирикма) термини «изофа» бирикмасига тўғри келишини изоҳлаб, қуйидаги бирикмани келтирган: غلام زيد «Зайднинг қули». Одатда, гап тугалланган маънони билдиради. Унда эга ва кесим муносабати акс этиши лозим. Аммо, шу тўлиқ мазмунни англатмаса, бир неча сўздан ташкил топса ҳам, у жумла ҳисобланмаслигини Жомий шарҳда тушунтириб ўтади.

Асарда المركبات الكلامية термини таркибига -خَبْرِيَّة- яъни «дарак гап»лар масалан: زيد زيدا -Зайд урди, ضرب زيد -Хинд урди, زيد قائم -Турган Зайд(дир) маъносидаги гаплар, шунингдек, انشائية - яъни «буйруқ, қайтариш, сўраш, истак» маъносини берувчи гаплар, масалан: -ضرب -ур (буйруқ маъносида), -ولا تضرب -урма (қайтариш маъносида) кабилар киритилади.

Юқорида келтирилган انشائية турига мансуб бўлган (ур), -ضرب (урма) -ولا تضرب (урма) сўзлари бутун бир гап маъносини тўлиқ англата олади. Чунки, -ضرب (урма) -ولا تضرب (урма) сўзи аслида -ضرب (ур) деган, ёки -ضرب (ур) -ولا تضرب (урма) бўлган. Бу жумлаларда -ضرب (ур) сўзи ضَمِيرٌ يَشِيرُ -яъни яширинган олмош бўлиб келган.

«الكلام» иккита исмдан ҳосил бўлади ва улардан бири эга ва иккинчиси кесимдир. «Ал-Фавоиду-з-Зийиййа» асарида жумла бир исм ва феълдан ташкил топса, исм-феъл (эга), феъл - مسند (кесим) бўлади, -дея изоҳланади.

Шунингдек, асарда ўрин-пайт ҳоли ёки қаратқич келишигида келган сўзлар исмлар туркумига киритилади. Масалан: زيد عليك - Зайд сенинг ёнингда زيد عليك - Зайдга эътибор бер.

³⁴Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. II жилд. – Б. 628.

³⁵Носиров О., Юсупов М. Ан-На’им. Арабча-ўзбекча луғати. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 884.

Умуман олганда, Ибн Ҳожиб «الكلام» га таъриф берар экан, унинг иккита сўзни ўз ичига олган бирикма эканини изоҳлайди. Шунингдек, калом хусусиятларини лўнда қилиб тавсифласа-да, аммо бу тавсифларга бирор-бир мисолларни келтириб ўтмайди. Жомий эса, *الكلام* га берилган таърифни содда услубда, мисоллар билан ва ³⁶ *المركبات غير الكلمية, المركبات الكلامية, المفردات, المَهْمَلَات* туридаги барча сўзларни «الكلام» ичига киритиб, уларга алоҳида шарҳ бериб ўтган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. М.А.Жўраева. Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарининг лингвистик тадқиқи. – Т.: 2020, 248 бет.
2. Орифхўжаев Н.М. Араб тили. – Т.: (ТошДШИ). 2009. – Б. 147.
3. Қодиров Т.Ш., Алиев Д.И. Араб тили лексикологияси. – Т.: (ТошДШИ) 2010. – Б. 5.
4. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет. 2006. – Б. 298.
5. Рустамжон Раҳматулло. Ал-кофия. – Т.: Шарқ нашриёти, 2014. – Б. 342.
6. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашр. 1997. – Б. 456.
7. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. II жилд. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – Б. 648.
8. Erkinjon o'g'li, L. A. (2024). SUYAK QADIG'I HOSIL BÒLISH PATOLOGIYALARNI ERTANGI DAVRLARDA ANIQLASH VA DAVOLASH. YANGI O'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(3), 143-147.
9. Латибжонов, А. Э. (2023). ПРЕИМУЩЕСТВА ПРИМЕНЕНИЯ ГЕМИЭПИФИЗИОДЕЗА ПРИ ОСЕВЫХ ДЕФОРМАЦИЯХ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ. Экономика и социум, (11 (114)-2), 727-731.
10. Kenjaev, S. (2017). Innovation Offshoring Performance/submitted by Sherzod Kenjaev (Doctoral dissertation, Universität Linz).

³⁶ (FZ.125b)